

УДК: 8/87+8-1

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ВА ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ

Г.Орипова

Аннотация

Мақолада мустақиллик даври ўзбек шеърияти тараққиётида шарқ мумтоз адабиёти анъаналарининг таъсири ёритилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы влияния традиций восточной классической литературы на развитие узбекской поэзии в период независимости.

Annotation

In this article some problems of influence of traditions of Eastern classical literature in the development of Uzbek poetry in the period of Independence are considered.

Таянч сўз ва иборалар: анъана, маҳорат, шеърият, диний-тасаввуфий, ижодий таъсир, ўзига хослик, ўзликни ангаш, шарқ мумтоз адабиёти, мустақиллик даври шеърияти, тасвир услуби.

Ключевые слова и выражения: традиция, поэзия, умение, творческое влияние, своеобразие, самосознание, восточная классическая литература, поэзия периода независимости, стиль описания.

Key words and expressions: tradition, poetry, skills, creative influence, singularity, self-consciousness eastern classical literature the poetry in the period of Independence, style of description.

Мустақиллик даври ўзбек шеърияти тараққиётида шарқ мумтоз адабиёти анъаналари, ундаги илғор жиҳатларнинг таъсири каттадир. Бу эса мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг ўзига хослиги – новаторлигини белгилаш, анъананинг қай даражада давом этаётганлигини аниқлашнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Зеро, академик Иззат Султон тўғри таъкидлаганидек, “Ҳар бир миллий адабиётда асарлар мобайнида йиғилиб қолган эстетик тажриба – ҳаётнинг қандай томонларини ҳамда қандай усуллар ва воситалар билан тасвир этиш соҳасидаги ижобий ютуқлар – адабиётшуносликда адабий традиция (анъана) деб аталади. Адабиётда ҳаётни тасвир этиш борасида янги тарихий шароитда очилган йўллар, тасдиқ топган янги усул ва воситалар адабий новаторлик деб номланади”. Шунингдек, А.Қаҳҳор қайд этганидек, “Китобхонни мафтун қиладиган нарсаси яхши нарсаси бўлса, қандоқ асар мафтун қилади? Унинг меҳригиёси қаерда, бу меҳригиё нимадан иборат? Классиклардан ўрганиш деган сўз классик асарлардаги мана шу меҳригиёни топишга ўрганиш, топишдан иборат бўлса керак. Албатта, ҳар бир яхши асар ўзича яхши. Ҳар бир яхши асарнинг меҳригиёси бошқа яхши асарнинг меҳригиёсига ўхшамаганлиги учун яхши. “Гўзал” деган сўз битта. Лекин унинг минг бир

маъноси бор”.

Мустақиллик даври ўзбек шеърияти тараққиётида шарқ мумтоз адабиёти анъаналари Юсуф Хос Ҳожиб, Хайём, Румий, Жомий, Навоий, Лутфий, Бобур, Оғаҳий, Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар асарларидан таъсирланишда кўзга ташланади. Бу ҳолни У.Азимов, С.Саййид, И.Мирзо, У.Ҳамдам, М.Кенжабек, З.Мирзо, А.Саид, А.Маҳкам ижодидаги маърифий-урфоний, диний-тасаввуфий, реалистик-таълимий ғоялар талқинида кўриш мумкин. У.Ҳамдамнинг “Ичиндаман” шеърида Мавлоно Жалолиддин Румий ижодига хос фалсафадан, ҳазрат Алишер Навоий шеъриятига хос тасвир усулидан таъсирланиш яққол кўзга ташланади.

Шеърнинг “Хув анов осмоннинг ичиндаман мен, Ҳам манов карвоннинг ичиндаман мен. Умр ўтиб борар, манзилда хат йўқ, Кўзи тўрт сарбоннинг ичиндаман мен. Бошимда қуюндай айланар ҳар ўт, Эмди қай довоннинг ичиндаман мен?” [1.186] сатрларида ифодаланган ботин, ўзлик ҳақидаги фалсафа беихтиёр Жалолиддин Румийнинг Аллоҳга барчаси аёнлиги, унинг қиёси йўқлиги ҳақидаги фалсафаси “Чанг эрурмиз – заҳм сендадир аён, Йиғлаюрмиз – ваҳм сендадир аён. Най эрурмизким наво сендан эрур, Тоғ эрурмизким садо сендан эрур. Мисли шатранж гоҳи ғолиб, гоҳи мот, Бари – сендан, бари – сен, эй, хушсифат!” [2.156] мисраларини ёдимизга солади. Шунингдек, ушбу ўринда Алишер Навоийнинг “Зиҳи

Г.Орипова – Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўқитувчиси, ФДУ мустақил тадқиқотчиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

хуснунг зуҳуридин тушиб ҳар кимга бир савдо, Бу савдолар била кавнойн бозорида юз ғавго. Сени топмоқ бaсe мушкулдур, топмаслиғ осонким, Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо. Чаман оташгоҳига оташин гулдин чу ўт солдинг, Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо” [3.30] сатрларидаги Аллоҳнинг беқиёс қудрати таърифи таъсир вазифасини бажарган.

Сирожиiddин Саййид ижодида ҳам шарқ мумтоз адабиёти намояндалари Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Заҳириддин Бобур асарларининг таъсири алоҳида ўрин тутди.

Унинг “Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳасрат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сиз буюк хилқатсиз, ҳикматсиз буюк, Ҳайрат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” [4.10] сатрларидаги буюк аждодимизга бўлган эътиқод, саргашта умр йўлига ачиниш, бетакрор ижоди, улуғ ишларига эҳтиром туйғулари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сарриштаи айшдин кўнгилни зинҳор, Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” мисралари таъсирида яратилгандир. Сирожиiddин Саййид юқоридаги шеърида улуғ бобомизнинг ёрқин сиймосини сиқик ифодада яратишга муваффақ бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига хос жиҳатлар “ҳазрат-ҳасрат-хайрат” сўзларида мужассамлик топади. Шунингдек, ундаги она юртга бўлган чексиз муҳаббат туйғулари акс этган асарлари таъсирида яратилган С.Саййиднинг “Одамзод ҳаёти жон ва тандадир, Тан қонда – жон анда, ватан андадир. Ёру диёрсиз лек хордир жон ва тан, Тан – Ватанга тандир, жон - Ватандадир” [4.8] сатрларида ҳам ушбу ҳолни кўрамыз.

Умрнинг қисқалиги, уни эъзозлаш, қадрига етиш, бефойда, самарасиз ўтказмасликка ундашдаги хайёмона фалсафа ва ифоданинг ижодий таъсири “Пиёла айланар, даврон айланар, Айланади Ер ҳам Осмон айланар. Тириклик базмида қанча зотлар йўқ, Бу пиёла эса ҳамон айланар” [4.12] ёки “Бизга бир қадах ё жом бўлса басдир, Ёрнинг дудоғидан ком бўлса басдир. Кўнгил қушимизга дона холи – дон, Бир тори зулфидан дом бўлса басдир” [4.13] сатрларида кўринади. Ушбу тўртликлар Умар Хайёмнинг “Қуш дўконига ташладим назар, икки мингча кўза жим суҳбат қулар: - Қайсимиз сотувчи, - дебди бир кўза, - Қайсимиз олувчи, қани кўзагар?” ёки “Кафтида лаълин май, ёнида санам, Чаманда ўтирса бахт бўлиб ҳамдам. Май ичиб фалақдан ҳеч емаса ғам, Ишрат

майи кайфин сургай шул одам” мисраларидаги оламнинг абадийлиги, тананинг тупроққа айланиши муқаррарлиги, шу боис умрнинг ҳар бир дамини хуш кайфиятда ўтказиш лозимлиги ҳақидаги фалсафа билан уйғундир. Ушбу ўринда профессор У.Тўйчиевнинг “Анъана асосан адабиётнинг мазмун ва шакли соҳасига тегишлидир, у миллий ва байналмилал бўлади, анъананинг бу икки кўриниши бир-бирини бойитади” деган сўзларини С.Саййиднинг юқоридаги асарларига ҳам тўла тадбиқ этиш мумкин. Шарқ мумтоз адабиётидан таъсирланиш орқали ҳам шакл, ҳам мазмун анъаналарини давом эттиришдаги С.Саййид маҳоратини унинг Мавлоно Жалолиддин Румий асарлари таъсири асосида яратилган ижод намуналарида ҳам кўриш мумкин. Улуғ мутафаккир асарларидаги умр мазмуни, унинг моҳиятини англамоқ учун аввало инсон ўзлигини танимоғи зарурлиги, ботинига назар ташлаб ўз-ўзини таҳлил эта билиш зарурлиги ҳақидаги фикр таъсир манбаи вазифасини ўтаган. Масалан, Жалолиддин Румийнинг “Бу жаҳон – тоғ, феълу атворинг – нидо, Ул нидони сенга қайтаргай садо” [2.13] ёки “Умримиз ўтди қуруқликдан бироқ, Гоҳи дарё, гоҳи даштда, гоҳи тоғ. Оби ҳайвонни қаердан истадинг? Сен бу дарё қаъридан сув ичмадинг” [2.145] тарзидаги инсоннинг ўз тақомили, камолоти учун доимо қайғурмоғи зарурлиги ҳақидаги фалсафий фикрлар С.Саййиднинг “Дил бу оламдин эмасдир, они бил, Ушбу оламнинг ғариб меҳмони дил. Лашкар эрса жумла аъзою танинг, Жумла аъзою танинг султони дил” [4.190] ёки “Дилни беркит, дилни дил қаърига соч, Дилга дилнинг қаърида ўзини оч. Ким, риёзат тешаси бирлан қазиб, Маърифатнинг чашмасин кўзини оч” [4.191] сатрлари яралишига туртки берган. Шоир фикрича, инсон қиммати, унинг баҳоси суратига эмас, сийратига қараб белгиланади. Маърифат чашмасини очмоқ учун риёзат чекмоқ, камолотга етмоқнинг машаққатларини бошидан ўтказмоғи керак.

Мавлоно Жалолиддин Румий асарларининг моҳир таржимони, ҳассос шоир Асқар Маҳкам “Маънавий маснавий” куллийетида ёзган сўз бошида Муҳаммад Иқболнинг “Жовиднома” достонидан қуйидаги сатрларни келтирган: “Шарқ Ҳақни топди дунёдан кечиб, Ғарб дунё топди, Оллоҳдан кечиб...” Бу эътироф бежиз эмас. Асқар Маҳкамнинг “Эй ишқ – балойи жон!” шеъридаги “Сен менга жазо бергил, ошкора садо бергил, Қуйида адо бергил, эй Ишқ – балойи жон!

Менким адашиб сендин, айро тушайин элдин,
Минг қатла хато бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Васлингга етолмасдан пойингда агар ўлсам,
Бир пора мато бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Ёнсам чидамас меҳшар, куйсам чидамас
маҳшар, Рухимга сафо бергил, эй Ишқ –
балойи жон!” тарзидаги ифодада ишқ бор
жойда жонга ўрин йўқ, Жон тўғрисида
қайғурмак эса ишқдан юз бурмоқдир, ишқгина
руҳга қувват ҳадя эта олади деган фикр аксини
топган. Илоҳий ишққа етмоқ йўли эса хатолар
қилмоқ ва риёзат чекмоқ йўлидир.

Э.Шукурнинг “Насойим-ул муҳаббат”га
сайр” шеърлар туркуми Алишер Навоий ижоди
таъсирида яратилгандир. Шеърӣ туркум шарқ
мумтоз адабиёти анъаналари асосидаги Оллоҳ
васфи – муножот билан бошланади.
“Муножот”нинг “Борлиқ ҳам йўқлиқда мутлақ
ўзингсан, Йўқдан бор этувчи халлоқ ўзингсан.
Ожизман, васфинга бирор сўзим йўқ, Бир
қутлуғ сўз ичра ҳали ўзим йўқ. Дунёга қўл
бериб гуноҳқордирман, Вале, карамингдан
умидвордирман. Қай дилда сен йўқсан, у дил
ўлиқдир, Энг буюк озодлик сенга қўлликдир.”
[5.206] сатрларида Оллоҳнинг тенгсиз, беқиёс
қудрати васф этилади. Маълумки, Алишер
Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асари
Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот-ул унс”
асарининг таржимаси бўлиб, унда тасаввуф
таълимоти вакилларида 750 шайх ҳаётига
оид маълумотлар келтирилган. Э.Шукур ушбу
асардаги маълумотлардан таъсирланган
ҳолда Шайх Увайс Қоронийга бағишлаб “Ўттиз
икки тиш достони”, Шайх Боязид Бистомийга
бағишлаб “Намоз”, “Аҳволи руҳга”, “Меърож”,
“Ошиқ”, Шайх Зунун Масрийга бағишланган “Уч
илм ҳикмати”, “Сурат ва сийрат”, “Яшил ўлим”
шеърларини яратди. Ушбу шеърлар диний-
ахлоқий мавзуда бўлиб, ўзига хос ифода усули
билан ажралиб туради. Масалан, “Ишқ ва
талаб қайғуси” шеърида “Анал ҳақ” дегани учун
дорга тутилган Мансур Ҳаллоҷ ёдга олинади.

Шеърнинг “Шабнамдай дилимга ютдим
субҳини, Олов узра сочдим жон тасбеҳини. Эй
жон, ҳолинг хароб, матлабинг тароб, Эй дил,
ишқ қонидан бир коса шароб, Ишқ ва талаб
келсин қошу қабоқдин, Ишқ насиба бўлсин
Шому Ироқдин. Жон узра чайқалиб турар
муттасил Мансур каби дорга тутилган бу дил”
[5.206] сатрларида Алишер Навоийнинг
“Лисонут-тайр” достонидаги Семургни излаб
йўлга отланган қўшлар етти босқич – водийдан
ўтишлари керак эди. Ана шу водийларнинг
дастлабкиси – “Талаб” ва “Ишқ” водийлари
бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос синов,
машаққатлари бор.

Мумтоз шеърятни Қуръон оятлари
ҳамда ҳадислар таъсирисиз тасаввур этиб
бўлмаслиги аён ҳақиқат. Ана шу анъана Мирзо
Кенжабек ижодида ўзига хос тарзда давом
этганини кўраимиз. Унинг “Ибодат” номли
ғазали бунга далилдир. Ғазалнинг “Ибодат не?
Яратганга Итоат ҳам ибодатдир, Ҳақиқат
бандалиқ бирлан Саодат ҳам ибодатдир.
Ибодатдир, тирикликни Этолсанг маърифат
боғи, Машаққатлик илм, санъат Қироат ҳам
ибодатдир. Онанг бирла отанг қалби Ўтар
Каъба тавофидан, Алар кўнглини шод этсанг,
Шу хизмат ҳам ибодатдир” [6.325]. сатрларида
бу ҳолни кўраимиз. Ушбу ўринда ҳадислар
таъсири яққол кўринади.

Хуллас, мустақиллик даври ўзбек
шеърятига шарқ мумтоз адабиётининг
таъсири Умар Хайём асарларидаги умрни
қадрлаш, эъзозлаш ғоялари, Жалолиддин
Румий ижодидаги Оллоҳга етмоқ учун аввал
ўзликни топмоқ, англамоқ фалсафаси,
Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий
асарларидаги диний ҳикоятлардан
фойдаланиш маҳорати, Заҳириддин Бобур
ижодидаги Ватан мавзусининг талқинлари
ижодий манба вазифасини бажарганликда
кўринади.

Адабиётлар:

1. Ҳамдам У. Сени кутдим. – Т.: Фан, 2007.
2. Румий Ж. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. Иккинчи китоб. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўртинчи том. – Т.: Фан, 1987.
4. Саййид С. Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом. – Т.: Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
5. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002.
6. XX аср ўзбек шеърятини антологияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори)